

## Ҳурлар нимадан яратилган?



08:30 / 21.01.2019 4776

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳурлар нимадан яратилгани ҳақида сўрашди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Учта нарсадан: пастроқдагилари мушқдан, ўртадагилари анбардан, олийлари кофурдан. Сочлари ва қошларига нурдан бўлган қоралик чизилган»** (Термизий ривояти).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу айтадилар: «Аллоҳ таоло ҳури ийнларни оёқ бармоқларидан тиззасигача заъфарондан, тиззасидан кўкрагигача мушқдан, кўкрагидан бўйнигача анбардан, бўйнидан бошигача оқ кофурдан яратди. Уларнинг эгнида рионгул (жуда гўзал гул) каби етмиш минг безак бор. Агар қараса, юзидан худди қуёш дунё аҳлига нур сочганидек порлоқ нур таралади. Агар унга қаралса, кийимлари ва терисининг нозиклигидан жигари кўринади. Бошида хушбўй мушқдан бўлган етмиш минг кокил солланиб туради. Ҳар бир кокилнинг этагида бир хизматчи қиз кўтариб юради ва: **«Аллоҳнинг дўстлари учун қилган амаллари эвазига мукофотдир»**, деб нидо қилади».

**Имом Қуртубийнинг «Тазкира»сидан**